

Ўрдак шикоят қилади, бургут самодан айланади



17:00 / 18.02.2021 4152

У айтади:

«Аэропортдан меҳмонхонага бормоқчи бўлиб таксиларнинг олдига келдим. Насибам ўша ерда турган жуда ҳам тоза автомобиль бўлди. Унинг ҳайдовчиси ҳам жуда чиройли ва покиза кийинган эди.

Ҳайдовчи машинасидан тушиб менга орқа ўриндиқнинг эшигини очди. Мени ўтиришга таклиф қилиб қўлимга карточка тутқазиб деди: «Исмим Аҳмад. Бугун мен сизнинг ҳайдовчингизман. Юқларингизни юкхонага қўйгунига қадар мана бу карточкадан мен кўрсатадиган хизматлар билан танишиб чиқинг».

Мен карточкани ўқий бошладим: «Аллоҳ вақтингизни саодатли қилсин! Менинг вазифам сизни имкони борича кўзлаган манзилингизга тез ва эсон-омон, зарар етказмасдан, роҳат берувчи ва муҳаббатга тўла ҳаво билан етказишдир...».

Аҳмад ўриндиққа яхши ўрнашиб олгач, машина кўзгусидан менга табассум ила боқиб сўради:

- Қаҳвага хоҳишингиз қалай? Менда оддий ва кофеинсиз қаҳва бор!

Мен ҳазиллашиб дедим:

- Раҳмат! Мен совуқ ичимликларни яхши кўраман.

У деди:

- Менда оддий газли ичимлик ҳам бор. Истасангиз шакарсиз апельсин шарбати ҳам бор.

Мен:

- Унда апельсин шарбати бўла қолсин.

Аҳмад менга апельсин шарбатини узатар экан «Бисмиллаҳ», деди. Сўнгра машинини ҳайдаб туриб деди:

- Қирқ дақиқа вақтимиз бор экан. Истасангиз мана бу радиостанцияларнинг рўйхати. Истаганингизни танлашингиз мумкин. Ёки йўлдаги кўрган нарсаларингиз ҳақида маълумот беришим ҳам мумкин. Хоҳласангиз сизни хаёлларингиз билан ёлғиз қўяман. Агар ўқишни истасангиз эрталабки газеталар ва ҳафталик журнал ҳам бор!

Мен ундан сўрадим:

- Сайидим Аҳмад! Барча йўловчиларга доимо шундай хизмат қиласизми?

Аҳмад деди:

- Афсуски, буни фақатгина икки йил олдин бошладим. Олдинлари қолган ҳайдовчилардан фарқ қилмас эдим. Аксар ҳайдовчиларнинг машиналари ювилмаган, кўринишлари бир аҳволда бўлар, улар фақат шикоят қилишар эди. «Танлаш кучи» номли ажойиб фикр ҳақида эшитиб қолдим ва ўзимни ўзгартиришга қарор қилдим. Унда «Ўрдак ёки бургут бўлиш ихтиёри ўзингда», дейилган эди. Ўрдак ўзининг ночорлигидан шикоят қилар экан.

Бургут эса хурсанд бўлиб қанот қоқар, самони айланар экан. Мен секин-секин ўзимни ўзгартиришга қарор қилдим. Кўрганингиздек, мана шу даражага етиб келдим. Ўзим саодатни ҳис қиламан. Мижозларимга ҳам саодат улашаман. Бу йил киримим ҳам тўрт баробар кўпайди. Мижозларим кўп. Улар мен билан боғланиб манзилларига элтиб қўйишимни илтимос қилишади. Мен лаббай дейман».

Ўрдак бўлишдан тўхтанг. Шикоятни йиғиштиринг. Бургут каби ҳаётни бошланг. Барчанинг устидан парвоз қилинг. Бунга бирдан эришиб бўлмайди. Биринчи қадамни ташланг. Сўнгра унга иккинчисини уланг. Бир қадам, бир қадам. Ҳафтада бир қадам бўлса ҳам майли. Иншааллоҳ тезда Аллоҳнинг изни билан нима бўлишини кўрасиз.

Ёдингизда тутинг: «Албатта, токи бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмайди!».

Абдулқодир Полвонов